Маҳаллаларда фуқаро муҳофазасини ташкил этиш ва юритиш

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар

вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтининг

катта ўқитувчиси **Р.Собиров**

Маҳалла – ноёб, бетакрор ижтимоий

бошқарув идорасидир

Аннотация: Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатдир. Бу эса аҳолининг барча қатламларида, мактаб, мактабгача таълим муассасаларидан тортиб йирик саноат, ишлаб чиқариш, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ўртасида маълум тарғибот ишларини ривожлантириш, улар масъулиятини оширишни тақазо этади. Айниқса, дунё миқёсида кўп

йиллардан буён шаклланганлиги, ўзига хос маданият ва маънавият ўчоғи бўлмиш маҳаллаларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Калит сўзлар: фуқаро муҳофазаси, ҳарбий ҳаракатлар, фавқулодда вазият, шахсий ҳимоя воситаларини, аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудлар (жойлар)га эвакуация.

Фавқулодда шароитларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик кўламдаги табиий офатлар ва техноген ҳалокатларда аҳоли ва ҳудудларнинг тезкор муҳофазасини таъминлаш ва етарли миқдорда малакали қутқарув тузилмаларни ташкил этиш тизимини яратиш ва уни тўлиқ жанговар ҳолатда ушлаб туриш имконияти етарли даражада эмас. Дунёнинг турли мамлакатларидаги йирик масштабдаги табиий офатлар ва ҳалокатларнинг (зилзила, цунами, сув тошқини ва ҳ.к.) оқибатларини бартараф этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг оқибатларини юмшатишнинг ягона ечими – аҳолининг тайёргарлигини оширишдир. Буларнинг барчаси кундалик фавқулодда ҳодисаларга ҳам тегишлидир. Кўп ҳолатларда, жабрланганларга биринчи ёрдамни ён-атрофдаги тасодифий одамлар, қариндошлар, қўшнилар, яъни бевосита яқинида бўлганлар кўрсатади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг таъсир қилувчи омиллари оқибатида юзага келадиган хавфдан муҳофазаланишга тайёрлашда алоҳида эътибор уларнинг маънавий ва руҳий ҳолатига аҳамият бериб, экстремал ҳолатларда дарҳол ва аниқ ҳаракатланишига, ўзлари яшайдиган ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг оқибатлари тўғрисида тассавурга эга бўлишига ва ҳар бирининг шахсий тайёргарлик ҳолатига ҳамда оила аъзоларини ҳимоя қилиш масъулиятини шакллантиришга қаратилади.

Бунда асосий эътибор аҳлоининг хабар бериш сигналлари, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, ўзига ва ўзгаларга ёрдам бериш, гўдакларни хатарли омиллардан ҳимоя қилиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ҳаракатларни бажара олишига қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш ва иш билан банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида тайёрлашни талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

18 августдаги “Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

650-сонли қарорига мувофиқ, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” тизимини ташкил этиш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тегишли вазирликлар билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” кучларини ташкил этиш, жиҳозлаш ва тайёргарликдан ўтказиш, иш билан банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қуйидаги асосий тушунчалар берилган:

фуқаро муҳофазаси – ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими;

фавқулодда вазият – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқаришига

ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш – фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий қуйи тизими (ФВДТ) – аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан муҳофаза қилиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти

бошқарув органлари, уларнинг куч ва воситалари, бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тизими.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- маҳалла фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кўмаклашиш;

- маҳалла фуқаролар йиғинларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш;

- "Маҳалла фуқаро муҳофазаси" йиғма гуруҳларини тузиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб этиш;

- фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудлардан эвакуация қилинган аҳолини қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларнинг вақтинчалик жойлаштирилишида иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида "Маҳалла фуқаро муҳофазаси" маҳаллий фуқаро муҳофазаси тизимини ташкил этиш белгиланган.

"Маҳалла фуқаро муҳофазаси" ташкил этилиши ва фаолияти юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юкланади.

"Маҳалла фуқаро муҳофазаси"нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликка доир вазифаларни бажаришда кўмаклашиш;

аҳолини фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларига ўқитиш ва тайёрлаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб қилишга кўмаклашиш.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси” ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришга мўлжалланган йиғма гуруҳни тузади, таъминоти ва фаолиятини ташкиллаштиради;

ўз фуқаролар йиғинлари ҳудудида фавқулодда вазиятлар ёки ҳарбий ҳаракатлар даврида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий, тиббий ва бошқа ресурслар заҳираларини яратади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудлар (жойлар)га эвакуация қилишга тайёрлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

шахсий ҳимоя воситаларини қабул қилади ва аҳолига тарқатади;

тегишли ҳудудда оммавий тадбирларни ўтказиш даврида ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат тартибини сақлашда ёрдам кўрсатади;

аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш автоматлаштирилган тизимининг терминал комплексларининг доимий тайёр ҳолатда сақланишини таъминлашда иштирок этади;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш тадбирларида иштирок этади;

тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида жорий этилган фавқулодда вазият режимини сақлаб туришда ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

ўқув-маслаҳат пунктларининг самарали фаолиятини ташкиллаштиради ва таъминлайди;

маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан тизимли равишда фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан муҳофазаланиш усуллари бўйича суҳбатлар ва машғулотлар ўтказади;

қўмондонлик-штаб ва тактик-махсус ўқув машқларини ўтказишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

маҳалла фуқаролар йиғини ўқув-маслаҳат пунктларида тайёргарликдан ўтган аҳоли рўйхатини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини ошириш хавфли табиий ва техноген таҳдидлар юзага келишини ўз вақтида профилактика қилиш, уларни олдини олиш ва салбий таъсирларини камайтириш тадбирларини олдиндан ўтказилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Фавқулодда вазиятлар рўй берганда ҳар бир инсон вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўғри ҳаракат қилиб, саросимага тушмасдан хотиржамликни сақлаган ҳолда иш кўриши лозим. Иш билан банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

1. 2021 йил 13 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 790-сони Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4794 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 144-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил

19 июлдаги “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 208 – сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги “Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сонли Қарори.